



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021-yil 7 - апрел

666к -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Аллаёров Сарвар Ахмедовичга “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Маҳалла гузари, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Нонвойхона, Интернет кафе, Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласида яшовчи фуқаро Аллаёров Сарвар Ахмедовичнинг “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Маҳалла гузари, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Нонвойхона, Интернет кафе, Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 18 мартдаги ШЯ-А-1190-сонли аризасини, Боғот тумани ҳокимининг 2014 йил 15 августдаги 1363қ-сонли қарорини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 11 мартдаги 782-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 9 (тўққиз) хонадан иборат, жами ички ўлчамлари 1156,99 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 1215,67 квадрат метр, умумий ер майдони 3000,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Маҳалла гузари, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Нонвойхона, Интернет кафе, Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони” биноси фуқаро Аллаёров Сарвар Ахмедовичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Аллаёров Сарвар Ахмедович ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Маҳалла гузари, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, Нонвойхона, Интернет кафе, Автомобиль эҳтиёт қисмлари дўкони” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев